

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ  
ПЕШКУ ТУМАНИ 2-СОН КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



**Бухоро-2021**

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 март 78-Ф-сонли фармоиши асосида ташкил этилди.

#### КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ДАСТУРИЙ ҚЎМИТАСИ

|                   |   |                                                                                                                                           |
|-------------------|---|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Б.К.Зарипов       | - | Бухоро вилояти ҳокими                                                                                                                     |
| М.М.Холмухаммедов | - | Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари                                                                                              |
| Т. Р.Чориев       | - | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.                                                                        |
| К.М.Муқимов       | - | Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги                                                                                       |
| Ҳ. Ҳ.Қобилов      | - | Бухоро вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи:                                                |
| З.Я.Худайбердиев  | - | Педагогик инновациялар касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори |
| О.Х.Ҳамидов       | - | Бухоро давлат университети ректори.                                                                                                       |
| Н.Р.Баракаев      | - | Бухоро муҳандислик технология институти ректори.                                                                                          |
| Ш.Ж.Тешаев        | - | Бухоро давлат тиббиёт институти ректори.                                                                                                  |
| Ш.Ж.Имомов        | - | Тошкент ирригация ва меллиорация институти Бухоро вилояти филиали директори техника фанлари доктори профессор                             |
| Н.А.Нуралиев      | - | Тиббиёт фанлари доктори, профессор                                                                                                        |
| О.С.Қаҳҳоров      | - | Бухоро давлат университети илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор                                                                   |
| Б.Р.Адилов        | - | Бухоро давлат университети ҳузуридаги ПКҚТ МО минтакавий марказ директори, п.ф.д.,профессор                                               |
| М.З.Шарипов       | - | Бухоро муҳандислик технология институти илмий ишлар проректори                                                                            |
| Ш.Ш.Олимов        | - | Бухоро давлат университети педагогика кафедраси mudiri педагогика фанлари доктори профессор                                               |
| Д.Р.Раҳматуллаева | - | Педагогик инновациялар институтининг “Таълимда бошқарув” кафедраси доценти, п.ф.ф.д                                                       |
| Я.Я.Раҳматов      | - | Бухоро вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари.                                     |
| Ш.А.Ҳайитов       | - | Бухоро давлат университети жаҳон тарихи кафедраси профессори, тарих фанлари доктори                                                       |
| Ҳ.Х.Ҳакимжонова   | - | Педагогик инновациялар институти, “Таълимда бошқарув” кафедраси катта ўқитувчиси                                                          |
| М.Ҳ. Маҳмудов     | - | Бухоро давлат университети профессори п.ф.д                                                                                               |
| Б.Х.Маҳмудов      | - | Пешку туман 2-сон касб-хунар мактаби директори.                                                                                           |
| Б.Қ.Хўжаев        | - | Бухоро давлат университети Педагогика кафедраси доценти, п.ф.н                                                                            |
| Э.М.Мухторов      | - | Бухоро давлат университети педагогика факултети декани психология фанлари номзоди                                                         |
| С.Қ.Қаҳҳоров      | - | Бухоро давлат университети қасаба уюшма қўмитаси раиси                                                                                    |
| Н.Бекова          | - | Бухоро давлат университети Ўзбек филологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.                                                                    |

Табақалаштирилган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда профессионал таълим жараёнларига ўқитишнинг кредит-модуль тизими босқичма-босқич жорий этилади.

**Кредит-модуль тизими** – ҳар бир ўқув модули таркибини тузишга асосланган модулнинг ўқув натижалари ва якуний назоратни кузатиб бориш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини мунтазам равишда баҳолаб боровчи ўқув дастурини ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш тизими ҳисобланади.

Юқоридаги тушунчалар мазмун ва профессионал таълимни ривожлантириш орқали иқтисодийтимизнинг барча соҳа ва тармоқлари учун зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда жамиятнинг касблар ва мутахассисликларга бўлган талабларини кондириш, меҳнат фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, маҳаллий ва халқаро таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий инновацион ўқув лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш – профессионал таълимнинг асосий мақсадидир.

Бу эса ўз навбатида мамлакатда ишсизлик даражасини камайтириш, иш ўринларининг доимийлигини таъминлаш, меҳнат бозорида тажрибали кадрларни етиштиришга хизмат қилади. Табиийки профессионал таълим муассасалари ҳудудларнинг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва географик шароитларини, меҳнат бозорининг тегишли соҳа мутахассисларига бўлган талабини, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳамда олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда фаолият юритади. Шунингдек, профессионал таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида таълим, илмий ва бошқа фаолият соҳаларида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар.

Таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлиги хорижий жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Хорижий давлатларнинг таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма бўлимлар (факультетлар) белгиланган тартибда ташкил этилиши билан бир қаторда, профессионал таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

## **ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК ҒОЯСИ**

**Бобомуродова Н.Ж. - БухДУ экология кафедраси катта ўқитувчиси**

Боланинг саломатлиги у яшайдиган муҳит шароитига чамбарчас боғлиқ эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бола саломатлигига таъсир этувчи омиллар тиб илмининг билимдони буюк **Ибн Синонинг “Рисола фи хифа ас-**

**сиҳҳа**”-асарида ҳам ўз аксини топган бўлиб унда саломатликнинг асосий гарови сифатида шахсий гигиена қоидалари баён қилинган.

Ибн Синонинг экологик қарашлари, экологик таффакур ва амалиёт тарихидаги буюк мерос ҳисобланади. Унинг “Тиб қонунлари” китобида экологик қарашлар ҳам ўз ифодасини топган. Касалликларни келиб-чиқиши, олдинини олиш, даволашга доир маслаҳатлар, инсон саломатлигининг атроф- муҳимдаги омилларга боғлиқлиги ҳақидан фикрлар Абу Али Ибн Сино ижодига сингиб кетган.

Унинг таъкидлашига: инсон саломатлиги атрофимизни ўраб турган ҳавонинг таркибига боғлиқ, чунки ҳаво гавдамизни ва руҳимизнинг таркибига кирган тўрт асосий унсурнинг биридир. Ҳаво муътадил ва соф бўлиб, унда руҳнинг мижозига тескари ёт бир моддалар аралашмаганида у соғлиқ учун яроқли бўлади, акс ҳолда эса касаллик манбасидир.

Фан ва техник тарақий этган ҳозирги замонда ҳавоси нафас олиш учун бутунлай яроқсиз ҳолатга келиб қолган жойлар ҳам мавжудлиги касалликларнинг янги турларини ривожланиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ёшларни ҳар томонлама баркамол ва етук қилиб тарбиялашда барча экологик ва ижтимоий тадбирлар туркумига қирадиган жисмоний тарбиянинг ҳам аҳамияти катта.

Ибн Сино таълимотича боланинг саломатлиги кўп жихатдан ота-она соғлиғига боғлиқ бўлиб, у ўсаётган ва ривожланаётган муҳит ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бола организми майин, янги ниҳолдек эгилади, ўзгариб туради. Маълум шароитларда ёмон туғма хусусиятлар юзага чиқмай қолиши ва жиддий касалликлар манбаи бўлиши ҳам мумкин. Худди шу каби яхши куртаклар ё ривожланиши ва такомиллашини ёки сўниб, йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Ибн Синонинг айтишича одам ёруғ дунёга чидамлилиқ, бардошлиқ “тайёр” мослашувчанлик механизмларнинг маълум жамғармаси билан келади. Буни сеҳргар саҳий табиат ҳар бир бўлажак фарзандга ато этган тухфа, деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ ана шу табиат инъомини сақлаш учун ундан билиб, оқиллик билан фойдаланиш керак.

Масалан, чақалоқда иссиқликни идора этадиган табиий механизмлар жуда такомилига етган бўлади. Совуқда жавобан организмда иссиқлик берилишининг тезда камайишига, исиб кетишга жавобан эса унинг ошишига имкон берадиган реакцияларнинг мурракаб занжири пайдо бўлади.

Агар нагрузка тобора ошириб борилса, механизмлар тобора ишончлироқ, саркашлиқ қилмай ишлайдиган бўлиб бораверади. Мабодо бу ҳидаги машқ бўлмаса, уларнинг “созлиги” сезиларли даражада сусаяди. Бошқача айтганда, агар бола чиниқтирилса, у совуқ қотишга (фақат ундагина эмас!) анча чидамли бўлади, агар бола ўраб-чирмалса, салгина шамол тегишидан асраб-авайланса, шамоллаш касалликларига ва бошқа хасталикларга чидамлилиқ сусаяди.

Ибн Сино инсон камолотида жисмоний тарбиянинг муҳим аҳамиятини ҳам назарий, ҳам амалий жихатдан таҳлил этади.

Ибн Синогача инсоннинг камолга етишида жисмоний тарбиянинг таъсири ҳақида бир бутун, яхлит, таълимот ёритилмаган эди. Ибн Сино биринчи бўлиб жисмоний тарбиянинг илмий педагогик жиҳатдан бир бутун тизимини яратди.

Жисмоний машқлар, тўғри овқатланиш, уйқу, баданни тоза тутиш тартибига риоя этиш инсон соғлиғини сақлашда муҳим омиллардан эканлигини ҳам илмий ҳам амалий жиҳатдан асослади.

Болага ҳам ҳали у туғилмасдан туриб ғамхўрлик қилиш, гўдаклик давридан бошлаб тарбияни бошлаш зарурлигини таъкидлайди. Боланинг етук нсон бўлиб шаклланишида унга ғамхўрлик, поклик, масъулиятни ҳис этиш, дўстона муносабатлар туйғусини сингдириб бориш зарур, дейди олим.

Кўриниб турибдики, аллома наслнинг соғлиғи, жамият аъзоларининг соғлом турмуш тарзи жамиятнинг равон осуда ҳаёти, фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилишини назарда тутиб, инсон саломатлигини сақлаш ҳамда тиклаш борасидаги ўз қимматли фикр ва қарашларини ўлмас ва бетакрор асарларида ифода этган.

|                                                                                                                                                                                                           |            |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|
| <b>ХАФИЗОВ А.Р., УМАРОВ А.А.</b> Дуальное обучение: понятие, принципы, механизмы реализации, преимущества                                                                                                 | <b>61</b>  |
| <b>ИМОМОВ Ш.Т.</b> Профессионал таълим муассасаларида дуал таълимни ташкил этишнинг методологик асослари                                                                                                  | <b>66</b>  |
| <b>JUMAYEVA M.T.</b> Professional ta'lim muassasalarida dual ta'limning tashkil etishning metodolodik asoslari                                                                                            | <b>70</b>  |
| <b>IZBULLAYEVA G.V.</b> O'zbekiston Respublikasi professional ta'limida o'qitishning dual tizimi                                                                                                          | <b>73</b>  |
| <b>ORTIQOV O.R.</b> Oliy va professional ta'lim tizimi integratsiyasida dual ta'lim mazmuni                                                                                                               | <b>75</b>  |
| <b>ДЖАНАЛИЕВА Г.А., БОБОЕВ Ж.Ж., ИСРОИЛОВА Ш.Н.</b> Профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизимини қўлланилишининг аҳамияти                                                                      | <b>77</b>  |
| <b>ELIBOYEVA L.S.</b> Dual ta'lim – kichik mutaxassislarni tayyorlashning samarali shakli                                                                                                                 | <b>78</b>  |
| <b>ISMATOVA N.B., SULTONOV A.</b> Dual ta'limning amalga oshirish imkoniyatlari                                                                                                                           | <b>79</b>  |
| <b>АБДУЛЛАЕВ Қ.Ф.</b> Профессионал таълимни ташкил этиш истиқболлари                                                                                                                                      | <b>82</b>  |
| <b>БОБОМУРОДОВА Н.Ж.</b> Ибн Сино таълимотида жисмоний баркамоллик ғояси                                                                                                                                  | <b>83</b>  |
| <b>2-ШЎБА. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДУАЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ</b>                                                                                                               |            |
| <b>УБАЙДУЛЛАЕВ А.Н.</b> Профессионал таълим тизимида “модулли ўқитиш”ни қўллаш имкониятлари ва замонавий тенденциялари                                                                                    | <b>86</b>  |
| <b>НОРОВ Н.</b> Таълим муассасаси ўқувчиларининг worldskills стандартлари асосида компетенцияларини шакллантириш                                                                                          | <b>90</b>  |
| <b>МУРАТОВА Г.С.</b> “Сув ва саломатликнинг атраф муҳитдаги ўрни” мавзусини дуал таълимда ташкил этиш                                                                                                     | <b>92</b>  |
| <b>ФЁДОРОВ С.В., ШАРИПОВ Ж.О.</b> Влияние структурных и фазовых превращений в легированном подповерхностном слое быстрорежущих инструментов на их износостойкость при резке жаропрочных, хромовых сплавов | <b>95</b>  |
| <b>ЭШОНҚУЛОВ Б.Д.</b> Янги профессионал таълим - янги миссияси                                                                                                                                            | <b>104</b> |
| <b>КАЗИМОВА М.Ш.</b> Дуальное образование как фактор успешного трудоустройства выпускников нефтегазового колледжа                                                                                         | <b>108</b> |
| <b>КНАФИЗОВ А.Р., МУКНАМАДИЕВА Р.А.</b> Uzbek dual system education key to achieve the goals of maintainable advancement                                                                                  | <b>112</b> |
| <b>СИРОЖОВ С.</b> Гуманистические принципы образовательного процесса в Узбекистане                                                                                                                        | <b>115</b> |